

**Давергеодезкадастр қўмитаси томонидан Юридик ва жисмоний
шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш бўйича амалга оширилган
ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирларитўғрисида”ги 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли ва тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида Давлат хизматлари Агентлиги орқали давлат хизматлари кўрсатишга амалга ошириш йўлга қўйилган.

Шу билан биргаликда “2018-2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, “ягона дарча” тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати бўйича 2020 йилдан бошлаб қуйидаги хизмат турларини жисмоний шахсларга ҳам фақат Давлат хизмати агентлиги орқали амалга оширилиши белгиланган.

1. Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома бериш;

2. Бино ва иншоотлар ҳамда кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома бериш;

3. Ипотека шартномаси, ер участкаси, бино ва иншоотлар ипотекаси давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хизмат турлари.

Мазкукр ишларни сифатли бажарилиши таъминлаш мақсадида Қўмита ваколатидаги қуйидаги давлат хизматларининг маъмурий жараёнларини BPR (англ. Business process reengineering) услубида оптималлаштириш лойиҳалари амалга оширилди:

1. «Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш»;
2. «Геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш»;
3. «Ер участкасига бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш»;
4. «Турар жойга бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш»;
5. «Нотурар бино-иншоотга бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш»;

Бугунги кунда ВРР услубида оптималлаштиришга қаратилган мазкур ўрганишларнинг натижаси ўлароқ геодезия ва картография соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш давлат хизматини Ягона давлат интерактив хизматлари портали (my2.gov.uz) ҳамда «Лицензия» ахборот тизимлари мажмуаси орқали юқори даражали интерактив хизмат, яъни транзакцион хизмат шаклида кўрсатиладиган истиқболли модели ишлаб чиқилди.

Ахборот компьютер технология ифратузилмасини яратиш соҳасида диверсификациялаштирилган, тезкор ва юқори сифатли кадастр хизматларини кўрсатиш бўйича. Бугунги кунда Ягона давлат интерактив хизматлар портали – my.gov.uz порталида қуйидаги 7 та интерактив хизматлари жорий этилган:

- 1) Мурожаатларни кўриб чиқиш;
- 2) Рахбар қабулига ёзилиш;
- 3) Вакант иш ўринлари;
- 4) Резюме юбориш;
- 5) Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш;
- 6) Кўчмас мулкни (ер участкалари, бино ва иншоотлар) давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза йўллаш (0);
- 7) Ипотека ва ипотека шартномасини, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш

Қўмитанинг расмий веб-сайти ugk.uz да эса қуйидаги 7 та давлат хизматлари жорий этилган:

- 1) Ипотека ва бино иншоотлар, шунингдек ер участкасига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- 2) Кўчмас мулкка (ер участкалари, бино ва иншоотлар) ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун аризаларни расмийлаштириш;
- 3) Нотурар бино ва иншоотлар шаклидаги кўчмас мулк билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотнома олиш;
- 4) Кадастр хизматига адвокатлик сўровномасини юбориш;
- 5) Кўп қаватли турар жой (квартира) ва яқка тартибдаги турар-жой шаклидаги кўчмас мулк билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотнома олишга электрон ариза тақдим этиш;
- 6) Тошент шаҳри ҳудудида хусусий уй-жой борлиги (йўқлиги) тўғрисидаги маълумотни олиш;
- 7) Тошкент шаҳридаги кўчмас мулк объектида хатлов/тақиқ мавжудлиги тўғрисида маълумот тақдим этилмоқда .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сонли “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида

“Давергеодезкадастр кўмитасига “Кўчмас мулк кадастри ва рўйхатдан ўтказиш тизимини интеграллашган ахборот тизимини яратиш” белгиланган, шунга асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги “2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисида”ги 251-сонли қарорига асосан республикадаги мавжуд кўчмас мулк объектлари хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Хатлов натижасида аниқланган кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотлар “Электрон ҳукумат” дастури доирасида кўмита тизимида юритилаётган 2 та асосий дастурий таъминотга киритиб борилмоқда.

Биринчи дастур, бу “Кўчмас мулк-3” дастури бўлиб, ҳозирда базага киритилган 6 млн 175 мингта кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотлар туман (шаҳар) “Ермулккадастр” давлат корхоналари томонидан олиб борилаётган кунлик хатлов натижалари тўғрисидаги маълумотларга асосан онлайн режимда янгилаб борилмоқда.

Ушбу дастур орқали Давлат солиқ кўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, нотариус идоралари ва Ички ишлар вазирлиги билан онлайн режимида маълумот алмашинувини йўлга қўйилган.

Шу билан биргаликда Тошкент шаҳар бўйича аҳолига хизмат курсатиш мақсадида кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда нотариус органларига тақдим этилмоқда,

Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб республикани бошқа вилоятларида жорий этиш белгиланган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Президентининг ПФ-5278-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарлардаги Давлат хизматлари Агентлиги биносида биттадан мутахассис жалб қилинган.